

Ҳайдовчи мижозининг ярим тунаги илтимосини ерда қолдирмай, йўлакчадан уй томон кетаётганда, машинасининг эшиги очилиб-ёйилганини, чироқлари ёқилиб, юриб кетганлигини кўрди-ю, орқасига югурди. Аммо унинг "ҳай-ҳай"лаши бефойда эди. "Damas" бир зумда қоронғилик қўйнига ғойиб бўлди... Ҳайдовчи бир муддат нима қилишни билмай қолди. У бироз ўйлаб турганидан кейин акасига қўнғироқ қилди.

9 бет

Муассаса тарбияланувчиларининг ота-оналаридан бадал пулларини гуруҳ тарбиячилари орқали йиғиб олгач, "Фельи айниди". Нафсига эрк бериб, бу маблагнинг 7 млн. 933 минг сўмини ўз эҳтиёжи учун ишла-тиб юборди. Кейин ўз кирдикорларини яшириш мақсадида болааларнинг қатнови ва уларга ҳисобланган ота-оналар ба-дали бўйича ҳисоботга сохта ёзувлар киритиб, бадал миқдо-рини камайтириб кўрсатди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 24-noyabr, №47 (1036)

Парламентда

Меҳнат қонунчилиги такомиллаштирилди

Бугунги тезкор давр иқтисодиётнинг барча соҳасини ислоҳ этиш, мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши, sanoatни модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш, тадбиркорликнинг ривожланиши, янги корхона ва заводларнинг бунёд қилиниши, уларда меҳнат қилаётган фуқаролар муҳофазасига бўлган муносабат ва қарашларни ҳам тубдан ўзгартирмоқда.



Бу эса ўз навбатида, меҳнат қонунчилигини тубдан такомиллаштириш, аҳолига муносиб меҳнат шароитларини яратишга хизмат қиладиган қатор чора-тадбирларни қўллаш заруратини туғдиради. Жорий йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунни ана шундай талаб ва эҳтиёжнинг маҳсули сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, мазкур қонун декабрь ойидан кучга киради. Шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан жойларда қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари, Меҳнат вазири, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенга-

ши ва қатор вазирлик ҳамда идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда бугунги кунда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аҳоли фаровонлигини юксалтириш, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш кабилар давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб қўйилгани диққатга сазовор.

Мазкур қонунга мувофиқ, ташкилотларда энди меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил этилади. Бундай хизмат ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортқ бўлган ҳар бир ташкилотда жорий этилади. Бундан кўзланган мақсад — меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Элликта ва ундан ортқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий қилинади.

Таъдбир якунида янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан давлат ва нодавлат ташкилотлари олдидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

Жараён

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссиясида сайлов жараёнларини кузатиш учун мамлакатимизга келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узоқ муддатли кузатувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тайёргарлик ишлари юқори баҳоланди

Округ сайлов комиссияси раиси Н.Собиров хорижий кузатувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси фаолияти ва унинг ваколатлари, вилоятда ташкил этилган сайлов участкаларидаги тайёргарлик ишлари ҳақида маълумот берди.

Фарғона вилоятида ташкил этилган 980 та сайлов участкасининг барчаси сайлов қонунчилигида белгиланган тартиб асосида зарур жиҳозлар, техник воситалар ҳамда адабиётлар билан таъминланган. Она ва бола, тиббиёт хоналари тўлиқ жиҳозланган. Улар ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик, ошкоралик ва транспарентлик принципларига қатъий риоя этади.

Айни пайтда давом этаётган сайловолди кампаниясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тенг шaroит ва имкониятлар яратилган. Бу даврда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда номзодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланган.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узоқ муддатли кузатувчилари Джил-лиан Элизабет Глойер ва Андрей Краснянский сайловга тайёргарлик борасидаги ишларни юқори баҳолади.

Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик жараёнини кузатишда иштирок этаётганимиздан мамнунмиз, — дейди кузатувчилар миссияси вакили Джиллиан Элизабет Глойер.— Биз Фарғона ва Андижон вилоятларида сайлов кампаниясининг бориши, миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга риоя этилишини кузатиб борамиз. Фарғона шахрининг гўзаллиги, озода ва орасалтиги бизда катта таассурот қолдирди.

Халқро кузатувчилар сайлов округида комиссиянинг самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Экспертлар семинар-тренингда иштирок этди

Марказий сайлов комиссияси экспертлар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Бухоро сайлов округи ва сайлов участкаларида ўтказилаётган семинар-тренингларда иштирок этмоқда.

Семинарда мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла жавоб берадиган мустақам миллий сайлов қонунчилиги яратилгани таъкидланди. "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги Қонунга киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар, муддатидан олдин овоз бериш жараёни, сайлов куни овоз беришни ташкил этиш, овоз беришни яқунлаш, овозларни санаб чиқиш ва расмийлаштиришда участка сайлов комиссияларининг вазифалари ҳақида атрофлича тушунча берилди.

Сайлов жараёнлари боришини кузатиш учун сайлов участкаларига халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда маҳаллий кузатувчилар келади. Ушбу кузатувчиларнинг ваколатлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

— Бугунги семинар ҳуқуқий билимимизни янада ошириш ва сайловнинг кейинги босқичидаги вазифаларимизга бағишлангани билан аҳамиятли бўлди, — дейди Пешку туманидаги 222-участка сайлов комиссияси раиси И.Авазов. — Семинар дастури доирасида намойиш қилинган участка сайлов комиссиясининг сайлов кунинидаги фаолиятига доир ўқув фильми қонунчиликни амалда қўллаш борасидаги амалий ўқунимизни такомиллаштиришга ёрдам берди.

ЎЗА

Обуна — 2017

Ҳурматли юрtdoшлар!

2017 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ — 231

Инсон манфаатларини таъминлаш давлатимиз ва жамиятимизнинг бош мақсади. Багрикенг халқимизга хос, юксак умуминсоний қадриятларга мос бўлган инсонпарварлик тамойили ҳаётга изчи татиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан шу йил 12 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Эзгу анъаналар бардавом

Нилуфар АЛЛАБЕРГЕНОВА,
Чилонзор туман прокурорининг ўринбосари

Азалдан билмай хато қилганни ёки қилмишидан пушаймон бўлганларни кеңириш, уларга яна имкон бериш халқимизга хос багрикенглик фазилатларидандир. Амнистия акти замирида ҳам шундай буюк инсонпарварлик мужассам. Бундай багрикенглик ва кеңириллик, айниқса, биллиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Чилонзор туман прокуратураси томонидан ҳам мазкур қарорнинг қўлланилиши тартиби бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилиши лозим бўлган шахсларга доир ишлар ҳамда материаллар кўриб чиқилиб, унинг ижросини ўз вақтида изчил таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қарорда муайян тоифадаги шахсларни нафақат жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, балки уларни даволаш, бандлигини таъминлаш, шунингдек, илтимойи реабилитация қилиш ва мослаштириш борасидаги бошқа бир қатор муҳим тадбирлар кўзда тутилган. Шу боис ҳам бу йўналишда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритилмоқда. Жазодан озод этилиши қўллаётган шахслар рўйхатга олиниб, уларга барча зарур ёрдам кўрсатишмоқда. Уларнинг ҳаётга мослашиши, келгусида жамият раванки йўлида ҳалол меҳнат қилиб, тўғри йўлдан оғмаслиги учун жамоатчилик имкониятларидан ҳам унумли фойдаланишмоқда.

Жумладан, шу йилнинг июнь ойида 18 ёшга тўлмаган Саиджон Аҳмедов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда Фаррух Бўтаев тумандаги 7-мавзёда фуқаро Муниса Ақромованинг бўйнидаги тилла занжирини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинишди. Ушбу шахслар кўп ўтмай ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди ва тергов органи томонидан уларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан айб эълон қилиниб, иш судга юборилган эди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди томонидан мазкур жиноят иши амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилди. Вояга етмаган С.Аҳмедов ҳамда Ф.Бўтаев қилмишларидан пушаймон эканликларини билдиришди. Ушбу ёшлар амнистия актига мувофиқ давлатимиз томонидан кеңирилди ва уларга ҳаётда ўз ўринларини топшилари учун имкон берилди.

Гувоҳи бўлганингиздек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар инсон омилининг ҳар нарсадан устун эканини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам бу ёшлар кеңирилди. Улар оиласи бағрида қолдирилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва унинг институтлари билан турли соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, лойиҳалар доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга, коррупцияга ва одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кенг доирадаги ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 21 октябридаги "Суд-ҳуқуқ тизими янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қарорларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида суд-прокурор ходимлар малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Шу боис, республикаимизда ҳуқуқий

Ҳамкорлик

Алишер ХИДОЯТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратуранинг ОУК
кафедра бошлиғи вазифасини бажарувчи

иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш, тергов ҳаракатларини амалга ошириш тартиби ҳамда процессуал мажбурият чораларини қўллаш ва жиноят натижасида етказилган зарарларни қоплашга доир процессуал қонунчилик нормалари ҳақида иштирокчиларга атрофлиқ маълумотлар берилди. Шунингдек, суд ва прокурор ходимларнинг малакасини ошириш тизими бўйича ҳам иштирокчилар томонидан берилган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан ушбу мазмундаги тренинглариинг хорижий экспертлар иштирокида ташкил этилиши мамлакатимизда кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда замонавий талабларга жавоб берадиган таълим ва тарбия тизимини янада юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Халқаро илмий-амалий конференция

Жорий йилнинг 1-3 ноябрь кунлари СВОЖДЛҚК департаменти бошлиғи раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи раиси, Россия Федерациясининг молиявий мониторинг бўйича Федерал хизмати (Росфинмониторинг) директори Ю.Чиханчининг таъкидига биноан Россиянинг Москва шаҳрида ўтказилган Халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиб қайтдилар.

Мазкур конференция Росфинмониторинг, Россия Федерациясининг Таълим вазирлиги, Илмий ташкилотлар бўйича Федерал агентлиги ва Россия фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этилди ва жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида "Жаҳон иқтисодиётидаги таҳдидлар ва хавф-хатарлар" мавзусига бағишланди.

Илмий-амалий конференция Росфинмониторингнинг 15 йиллигига бағишланиб, мазкур халқаро тадбирда Россия Федерациясининг давлат органлари, илмий таълим муассасалари вакиллари, халқаро ташкилотлар (ФАТФ, "Эгмонт" гуруҳи, ЕАГ, МАНИВЭЛ), МДХ ва Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар делегациялари иштирок этди.

Халқаро конференцияда жаҳон молиявий тизими хавфсизлигини таъминлаш, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги вазифалар кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, конференция давомида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги янги таҳдидлар сифатида кўйидаги ҳолатлар таъкидлаб ўтилди:

— жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизими кучсиз бўлган давлатлар ёки офшор ҳудудлар билан халқаро пул ўтказмаларини кўп амалга оширувчи давлатлар;

— ИШИД фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ

муаммолар;
— ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг янги технологиялари ривожланиши (крипто-валюта, виртуал банклар, "крауд фиддинг" ва бошқалар).

Тадбир давомида халқаро ташкилотларнинг вакиллари ва Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар делегациялари ФАТФнинг янги тавсиялари талабларига мувофиқ Росфинмониторинг ташаббуси билан ташкил этилган "Хавфларни баҳолаш миллий Маркази"га ташриф буюриб, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатиш натижасида вужудга келадиган хавф ва таҳдидларни аниқлаш билан шугулланувчи мазкур Марказ фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Бундан ташқари, Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар делегациялари Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-услубий марказ (МУМЦФМ) фаолияти билан танишиб, Евроосиё гуруҳи доирасида амалга ошириладиган бир қатор истиқболли лойиҳалар юзасидан муҳокамалар олиб бордилар.

Шунингдек, халқаро конференция доирасида Ўзбекистон Республикаси делегацияси Росфинмониторинг раҳбарияти билан ўзаро иккитомонлама учрашув ўтказди. Учрашув чоғида икки томон вакиллари Ўзбекистон ва Россия Молиявий разведка бўлинмалари иш тажрибалари борасида ҳамда мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг юқоридаги каби халқаро конференцияларда иштирок этиши жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Эгри иш — келтирар ташвиш

Ноқонуний фаолият билан шугулланиш, яширин йўллар билан даромад ортириш қонунларимизда тақиқланган. Бунинг бугун амалдаги қонунчилигимиздан хабардор фуқаролар жуда яхши билишди. Қолаверса, юртимиздаги қонунга асосланган ҳар бир ташаббус, тадбиркорлик қўллаб-қувватланмоқда.

Халол тадбиркорларга имтиёзлик ривазида моддий кўмак ҳам бериляптики, бу тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлаётган ҳамюртларимиз учун жуда катта қўлайликдир. Бирок орамизда шундай кимсалар борки, улар бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятини ривожлантириш ўрнига қинғир йўллари маъқул кўришмоқда.

Наманган тумани, Ўрта Гирвон МФИда яшовчи Назир Гуломов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам эгриликни танлади. Яшаш хонадониде яши-

рин цех ташкил этиб, ўсимлик ёғи ишлаб чиқара бошлади. Аммо махсуслати сифатсиз эканини, инсон саломатлиги учун жиддий хавф солиши мумкинлигини, қолаверса, ноқонуний иши ортидан юзи шувут бўлиб қолишини ўйламади. Унинг хаёли қўл урган ишдан келадиган жарақ-жарақ пуллар билан банд эди.

Шўқри, унинг фаолияти узоққа бормасди. Унинг хонадонига туман элктр таъминоти корхонаси ходимлари ташриф буюришида Н.Гуломовнинг ноқонуний ишидан воқиф бўлишди. Ўз набатиде улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

Абдурашид НИШОНОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Наманган вилоят бошқармаси
катта инспектори

органларга хабар беришди...

Мазкур тумандаги Куйи Ровустон МФИда яшовчи Исроил Мардиев ҳам худди шу йўлни танлаган экан. У уйига яширин мойжувоз ўрнатиб, чигитдан пахта ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.


Унинг қилмишига ҳам вақтида нуқта қўйилди. Шу тариқа одамларнинг сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз пахта ёғи билан заҳарланиши эҳтимолининг олди олинди.

Ҳар икки ҳолат юзасидан жиноий иш кўзгатилиб, суд томонидан жиноий иш жавобгарликка тортилди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Ҳуқуқий давлатнинг пойдевори

Тарихий сана — 1992 йил 8 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Утган 24 йил мобайнида Бош Қонун инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий даражада кўтарди. Конституцияда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилган.



Халқимиз Конституцияни қабул қилиш билан дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигини намоян қилди. Ундаги барча тамойиллар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатнинг мажбурияти бу тамойилларни таъминлашда акс этади.

Асосий Қонунда инсон ҳаётига, унинг кадр-қиммати алоҳида эътибор қаратилган. Республикада демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий вазифасига айланган. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки кадр-қиммати камситувчи бошқа тарздаги таъбирлар дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Ушбу талаб асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасида: қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қиммати камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни "гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳга, жарланувчи ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўта-

ётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор-бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан кўрkitиш, уриш, дўпсلاш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш" учун жазо белгиланган.

Конституциямизнинг яна бир бош мақсади — бу жамиятда жабр-зулмга йўл қўймайди. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш катта зулм ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони шахс дахлсизлиги кафолатини таъминлашнинг янги босқичига пойдевор қўйди. Ушбу Фармон Конституциямизнинг 13-моддасида: "...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", деб белгилаб қўйилган меъёрига ҳам мосдир.

Конституцияда ўз аксини

топган гоълар асосида инсон ҳуқуқларига риоя қилишда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш алоҳида аҳамиятга молик воқеа бўлди. Бу ўз навбатида, жиноий жазога тортилаётган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишига имкон яратди ва шахсий дахлсизлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони шахсий дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилган муҳим қадамлардан бири эди.

Мустақил давлатимизда Бош Қомусимизга таянган ҳолда қонуний асосларни тақомиллаштириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларда соҳани демократлаштириш ва эркинлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ўзига хос аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-

ларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Фармонга мувофиқ, 2017 йил 1 апрелидан қамоқ тартибидан жиноий жазо тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилмоқда. Шунингдек, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш мuddати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тартибидан ҳаётини қўриқчиларни қўллашнинг, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кам мuddати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилмоқда.

Эътиборли жиҳати, суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинаётганлигидир. Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибидан қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи мuddатдан 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши процесс иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига қаратилган.

Фармонда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасида 8 та энг устувор соҳа бўйича 45 та аниқ тадбирни амалга ошириш комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Жиноят йўлига кирган шахсларни жазолаш эмас, балки жиноятга жазонинг муқаррарлигини тушунтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, инсонпарварлик шахс ҳуқуқларини таъминлашда муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Сенат томонидан қабул қилинадиган амнистия актини эса инсонпарварликнинг олий намунаси сифатида баҳолаш мумкин.

Амнистия умумий афв бўлиб, олий давлат ҳокимияти органининг хусусий акти, айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини

Шерзод ТҲУТАБОЕВ,
Андижон вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қароридир. Унинг асосида хато қилган ёки қилмишидан пушаймон бўлганлар кечирилди, уларга ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имкон берилди.

Маъзур ҳужжат нафақат демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг устувор тамойилларини, балки халқимиз минг йиллардан буюн асарга-авайлаб келаётган қадриятларини, бағрикенглик ва шунга асосан юқори палата бу ҳақда махсус қарор қабул қилади.

Конституцияда белгилаб қўйилганидек, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлис Сенатига Ўзбекистон Президентининг бекор қилинаётганлигидир. Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибидан қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи мuddатдан 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши процесс иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига қаратилган.

Жумладан, 2016 йилнинг 12 октябрида Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланishi, шунингдек, унинг очiq-ойдинлигини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тuzилди.

Амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши давлатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият саналишини, юртимизда олиб бoриладиган ислохотларнинг мазмун-моҳиятида инсонпарварлик тамойили устувор эканини яна бир бор намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Кун тартибидаги долзарб масала

Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунлари ижроси юзасидан меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва уларни иш билан таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Туманда 153,3 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан жами меҳнат ресурслари 85,1 минг кишини, иқтисодий фаол аҳоли 62,1 минг кишини, жами иш билан бандлар 58,7 минг кишини ташкил қилади.

Бандлик масаласини ҳал қилиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда режа асосида меҳнат ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг туманда мавжуд иш-

ўринлари билан яқиндан танишуви таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотларга ташрифлари уюштирилмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларда одам савдосига қарши кураш бўйича стендлар тайёрланиб, унда бўш иш ўринлари, квота иш ўринлари, чет элларга ташқи меҳнат миграцияси бюрolari орқали чиқиб ишлаб келиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар ақс эътирилган. Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан аҳоли ўртаси-

да кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, чет давлатларга кетиш истагидаги фуқароларга қонуний меҳнатнинг афзалликлари тушунтирилмоқда.

Бу каби чора-тадбирлар натижасида туманда ишсизлик даражаси сезиларли камайишига эришилди. Тадбиркорлик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, улар учун имтиёзли кредитлар ажратиб орқали янги иш ўринлари яратилиши таъминланмоқда.

Тадбирларда корхона ва ташкилотларда ишчи-хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этилиши ҳам назорат қилинмоқда.

Ўтказилган назорат тадбирларида аҳолининг иш билан бандлигига оид қонун талаблари бузилгани ҳам аниқланди. Хусусан, иш берувчилар томонидан ҳар ойнинг 5-санасидан кечиктирилмасдан бўш иш жойлари бор ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни

Мақсуд ХОЖАЕВ,
Боғот туман прокурори

туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим қилишлари лозим. Бирок, тумандаги 7-сонли мактабга таълим муассасаси 0,5 ставка қоровул вазифаси бўш тургани ҳолда биронта ҳам бўш иш жойлари йўқлиги тўғрисида маълумот тақдим қилган.

Бундан ташқари, тумандаги 1-сонли мактабга таълим муассасасида 2 ставка, туман давлат санитария эпидемиология назорати марказида 7 ставка, иқтисодийёт коллежида 3 ставка, 27-сонли ўрта таълим мактабидан 2 ставка бўш иш ўринлари мавжудлиги, бироқ маълум бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар туман бандликка кўмаклашиш марказига тақдим қилинмасдан келингани аниқланди.

Ўрганиш натижасига кўра, қонун талаблари бузилишига йўл қўйган 14 нафар мансабдор шахс маъмурий жаобгарликка тортилди. Шунингдек, 12 нафар фуқаронинг иш билан таъминланишига эришилди.

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш тажрибаси ҳамда ривожланган демократик мамлакатлар амалиёти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиёт барқарор ривожланиши, янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли даромадларининг ошиши ва турмуш фаровонлигини таъминлашда энг муҳим омили эканлигини даъво қилиш мумкин. Жумладан, 2000 йилга нисбатан маъмурият ҳисоби янги иш ўринларидаги улуши 31 фоиздан 56,5 фоизгача, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 12,9 фоиздан 38,9 фоизгача, экспортда 10,2 фоиздан 26,9 фоизгача, аҳоли бандлигини таъминлашда 49,7 фоиздан 78 фоизгача ўсди.

Буларнинг барчаси мустақиллик йилларида тадбиркорлик субъектлари миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисмига, қўллаб-қўллаш ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, ҳамюртларимиз фаровон ҳаётини таъминлашдаги етакчи қўл қўйганларидан далолат беради. Мамлакатимиз Биринчи Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашдаги ишончли таянчи бўлган ўрта синф мулкдорларини шакллантириш, ҳамюртларимизнинг таъминлашдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорлар сонини ошириш аҳоли даромадлари динамикаси ва таркибини белгилайди. Фақат сўнгги йиллар давомида аҳолининг уй ҳўжаликлари умумий даромадида тадбиркорлик фаолиятдан олган реал даромадлари барча даромадларга нисбатан 20,1 фоиздан 50 фоиздан зиёдгача ошди. 2000-2015 йиллар давомида юридик шахс мавқега эга кичик бизнес субъектлари сони қарийб 2,2 баробарга ўсди.

Бунинг сабаби Ўзбекистонда қўлай ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириши қўллаб-қувватлаш, уни давлат томонидан ҳимоя қилиш, тадбиркорлик учун имтиёз ва преференциялар тақдим этиш, қонунлари янада либераллаштиришга қаратилган тизимли ва кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чоралар қўрилаётганидир. 90-йилларнинг бошидаёқ конституцийвий меъёр ва таъминлаш асосида "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Улар қисқа муддат ичида саноат, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги юз минглаб давлат мулк объектларини хусусий мулкка айлантириш, қишлоқ ҳўжалигини ижара мулк таъминлашнинг жорий этиш имконини берди. Тадбиркорликни ривожлантиришда 2000 йилда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун асосий рол ўйнади. Унда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этишининг барча асосий кафолатлари ва шартлари мустаҳкамланган, тадбиркорлик ва бизнес субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланган.

Фақат сўнгги 15 йил давомида 300 дан зиёд қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Уларга қўра,

тадбиркорликка янада катта эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, давлат ва назорат қилувчи органларнинг қорхоналар фаолиятига аралашувини қисқартириш бўйича муҳим чоралар амалга оширилди.

Улар орасида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги (янги тахрирда), "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиби-таомиллари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик фаолияти тўғрисида"ги, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги, 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунлар бу борада алоҳида аҳамият касб этади.

Улар хусусий мулк дахлсизлиги конституциявий тамойилни, тадбиркорлик фаолияти кафолатларини таъминлаш, марказда ва жойларда қўлай бизнес муҳитни шакллантириш, фуқароларнинг ишбилармонлик фаолиятини ошириш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўлқўлашди.

Мамлакатимиз Биринчи Президентининг юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятига маъмурий аралашувларга чек қўйиш, жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътирофга сазовор бўлаётган мавжуд ҳўжалик фаолияти тизимларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор ҳужжатларини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шулар жумласидандир.

Ушбу қонунчилик ҳужжатлари билан республика иқтисодиётида хусусий мулк ўрнини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокчини қисқартириш бўйича тизимли чоралар қабул қилинмоқда. Жумладан:

— тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланилишига доир тартиб жорий этилди;

— тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги тамойили амал қилмоқда, унга қўра барча бартараф этиб бўлмайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилик, зиддиятлар ва тушунмовчиликлар тадбиркорлар фойдасига изоҳланади;

— кичик бизнес субъектларини улар рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб уч йил давомида режалли солиқ текширувларини ўтказишни ман этувчи ва келгусида барқарор фаолият юритувчи ва ўз вақтида солиқ тўловчиларда солиқ текширувларини ўтказишни чекловчи тартиб жорий этилди;

— "ягона ойна" институти жорий этилди, интерфаол давлат хизматлари турлари кенгаймоқда;

— тадбиркорлик фаолиятини тартибга солуви маъмурий ва жинсий қонунчилиги изчил либераллаштирилмоқда.

Солиққа тортиш, солиқ сиёсатини либераллаштириш, солиқ ставкасини қамайтириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари ҳар доим давлатнинг диққат марказида бўлган ва бўлиб қолади, бу эса уларнинг эркин фаолияти учун муҳим омилдир.

Сўнгги 15 йил давомида ягона солиқ тўлови ставкаси микрофирма ва кичик қорхоналар учун 2,5 баробардан зиёдга, яъни 13 дан 5 фоизгача пасайтирилди. Солиқ ставкасининг бундай пасайиши ҳўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, айланма маблағларни қўлайитириш, ишлаб чиқариш ҳамжамиятини ошириш, маҳсулотлар ва хизматлар экспортини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Бунда солиқ соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва даромадларни яшириш ҳўлатлари қамайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш жараёнидаги ва Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга қўлай туртки берди.

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши хусусий мулк ҳуқу-

қий ҳимоясини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қўлай шартнолар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, республика инвестицион жозибадорлигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсати сифат жиҳатидан янги босқичга чиққанидан далолат беради.

Унда, жумладан, давлат органларининг энг муҳим устуворлиги ва биринчи даража-ли вазифаси сифатида "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик"ни белгилайди.

Ушбу мақсадларда давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга ўз фаолиятида юқорида кўрсатилган талабни ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сузсиз амалга оширилишини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифалари ва ваколатларининг танқидий таҳлил қилиш топширилди. Ушбу меъёр мансабдор шахсларга нисбатан нафақат интизомий, маъмурий ёки жинсий жавобгарликнинг қатъий чораларини қўллашни, балки тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлашни талаб этади.

Фармонга мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги, "Давлат харидлари тўғрисида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил (омбудсман) тўғрисида"ги Қонунлар ҳамда қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган эътибор қаратилган.

Фармон билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувдан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари текширувларини тубдан қисқартириш ва улар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олишга қаратилган давлат назоратининг қатор мутлақ янги механизмлари ўрнатилмоқда. Жумладан, 2017 йил 1 январдан қўйидагиларни бекор қилувчи илгари қўлла-нелмаган чоралар жорий этилмоқда:

— тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, юридик шахслар тугатилмаётганида, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳўлатлари бўйича берган муқожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно;

— тадбиркорлик субъектла-

Азизбек НАЗАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

ри фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига, энг аввало, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашига ва уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилишига йўл қўймасликка қаратилган, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-ҳўжалик фаолияти текширувларини (тафтишларни) тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг муддатини узайтиришнинг аниқ процессуал тартиби белгилашни назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, маъмурий ва жинсий қонунчиликни либераллаштириш жараёнини давом эттириш кўзда тутилмоқда. Фармонда молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг қонун бузарликларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда иктиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тахрирда ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатдан ўтмасдан амалга оширилган шахслар маъмурий ва жинсий жавобгарликнинг қатъий чораларини қўллашни, балки тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлашни талаб этади.

Шубҳасиз, бу каби чоралар инсонпарварлик тамойилининг намойиши, умумэтироф этилган принципларнинг ҳаётга таъбиқ этилиши, уларга нисбатан бағрикенглик меъёрларининг кенг аёқ этишидир. Йўл қўйган хўлатларни тузатиш йўлидан дадил бораётган ушбу шахслар ўз фаолиятини давом эттириш имконига эга бўлади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолияти шугулланган ҳўқуқдан маҳрум этиш тарзидаги жинсий жазони қўллашга йўл қўймаслик белгиланган.

Давлат органлари, шу жумладан, назорат қилувчи ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида жамоатчилик маслаҳат кенгашиларини уларнинг таркибига тадбиркорлик субъектларини ҳамда уларнинг бирлашмаларини киритган ҳўлда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда давлат органлари ва фуқаролик институтлари ўрта-сида ижтимоий шерикликни кучайтириш йўлидаги яна бир энг муҳим қадамдир.

Умуман олганда, фармонда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ яна қатор демократик янгиликлар ўрин олган. Шубҳасиз, ушбу меъёрлар амалга оширилиши республикада ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни яхшилаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, пировардида — мамлакатимиз иқтисодий салўхиятини янада юксалтириш, ҳалқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Бағрикенглик тамойили



Мустақиллик қўлга киритилгач, инсонпарварлик тамойилга йўғриган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган амнистия институти жорий қилинди. Амнистия институти ўз мазмун-моҳиятига кўра, жиноят содир этган ёки жазо ўтаётган шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатилмаган инсонпарварлик ва бағрикенглик намунасини.

Амнистия қарори нафақат жиноят содир қилган шахслар ёки маҳкумларнинг манфаати нуктаи назаридан, балки уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, вояга етмаган фарзандлар ота-оналарининг меҳридан баҳра олиб ўсиши, шунингдек, оилада иқтисодий ва маънавий муҳитни вужудга келтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда давлатнинг жамият аъзоларига нисбатан гамхўрлиги акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори ҳам шундан далolat беради.

Қарорда аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатлар фуқароларини, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларни, бошқа тоифадаги

қатор фуқароларни (айрим чекловларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод этиш назарда тутилган. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахслар тоифалари ҳам белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Амнистия тўғрисидаги қарор таъсир доирасига тушадиган эҳтиётсизлик ораксиде жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги

Исмоилжон АБДУХАКИМОВ,
Тошкент махсус прокурори

учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ҳам жазодан озод қилиниши назарда тутилмоқда.

Мазкур қарорнинг қўлланилиши тартиби ҳам белгиланган бўлиб, унда амнистия ҳужжати бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан ишлар ҳамда материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб берилган. Бунда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгаши депутатлари амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши, шунингдек, қарорни ижро этиш тартиб-таомиллари очиқ-ошкоралигининг таъминланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этишади.

Бундан ташқари, амнистия тўғрисидаги қарор асосида жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўйбга чиқариш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва самарали тарзда ҳал этиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенг жалб этилмоқда. Бунда жазодан озод қилинган шахслар тўлиқ ҳисобга олинади ва уларни ишга жойлаштириш ҳамда бошқа ижтимоий масалалар ҳамкорликда ҳал этилади.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органлари томонидан нафақат амнистия тўғрисидаги қарорнинг тўғри қўлланилишига, балки уни татбиқ этиш жараёнида суиестеъмоллик ва ноқонуний қўллаш ёхуд қўллашни ноқонуний равишда рад қилиш ҳолатларини аниқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Мана бир неча йилдири, инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида қабул қилиб келинаётган амнистия актлари жамиятимиз ҳаётининг аждоқларимизга хос бўлган ўзаро ҳамжиҳатлик ва муросяо маоррага асосланган қадриятларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Инсонпарварлик намунаси

Алишер МАКСУДОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурори
вазифасини вақтинча бажарувчи

Амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш асосида хато қилган ва қилмишидан пушаймон бўлганлар учун ўз ҳаётини тўғри йўлга солишга имкон яратилади. Шу боис ҳам амнистия актига фақатгина маҳкумини ёки жиноят содир этган шахсни жазодан озод этишни кўзда тутувчи ҳужжат сифатида қарамастлик керак. У жазодан озод этилган шахснинг кейинги ҳаётида ўз ўрнини топиб кетишида ҳам муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Чунончи амнистия актини қўллаш давомида давлат идоралари томонидан жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид комплекс чора-тадбирлар ҳам амалга оширилади.

Хозирда, Шайхонтоҳур туман прокуратураси томонидан киритилган илтимосномаларга кўра, 140 нафарга шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилди. Амнистия тўғрисидаги қарор асосида жазони ўташ муассасаларидан озод этилган 17 нафар шахс рўйхатга олинди, уларга моддий ёрдам пуллари ва паспорт бериш, тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда иш билан таъминлаш чоралари аниқ қўрилди.

Амнистия қарори ижросига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноий жазоларни янада либерallasштириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Самарқанд вилоят прокуратурасининг мажлислар залида мазкур қарор ижросига бағишланган идораларро йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси, ҳокимлиги, сенатор ва депутатлар, ички ишлар, суд, суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти, Давлат божона, солиқ, соғлиқни сақлаш, Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг вилоят бошқармаси ва бўлимлари раҳбарлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан амнистия акти инсонпарварлик, адолат тамойилларининг устуворлигидан, давлатнинг фуқароларга нисбатан гамхўрлиги ва эътиборлигидан далolat бериши, мамлакатимизда бир неча йиллардан буён инсонпарварликнинг ўшбу тамойилига алоҳида эътибор бериб келинаётганлиги таъкидланди, бу сафарги амнистия актининг олдингиларидан фарқи жиҳатларига тўхталиб ўтилди. Хусусан, хозирги кунда ушбу қарор ва уни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом ижросини таъминлаш борасидаги ишлар вилоят-

мизда изчил олиб борилаётгани айтилиб, қарорнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига тушунтириш ва жазодан озод этилаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни қўллаш ҳақида тавсиялар берилди.

Қарор ҳамда уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомнинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида жойларда депутатлар, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда мутасадди идора ва ташкилот ходимларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳларнинг вазифалари, шунингдек, жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш бўйича тузилган ҳудудий комиссиялар иш фаолиятини кучайтириш лозимлиги айтилди.

Амнистия актига кўра, жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан шахсларга ўрнатилган тартибда моддий кўмак берилди. Яъни ижтимоий-моддий ёрдамга муҳтож шахсларга озиқ-овқат учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари, транспорт харажатлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари ва биринчи керакли кийим-кечак сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравари, жами энг кам ойлик иш ҳақининг 5,5 баравари

миқдориде моддий ёрдам берилиши кўзда тутилган. Бу шахсларнинг паспортда муаммолар бўлса, яъни муддат ўтган, йўқолган ёки алмаштириш зарур бўлса, бундай моддий ёрдам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг олти бараваригача оширилади. Бу бордаги масалалар билан муросоат қилган шахсларнинг йиғма жилдлари жамланиб, шаҳар ва туманлар кесимида рўйхат тузилиши ҳамда маблағларнинг тарқатилишигача бўлган жараён устидан кунлик назорат ўрнатилган.

Тартибга кўра, бундай тоифадаги шахслар ўзлари истикомат қиладиган ҳудуддаги ички ишлар идоралари томонидан рўйхатга олингандан сўнг, паспортти муддатга ўтган, йўқолган ёки биринчи марта берилиши лозим бўлса, шаҳар ва туман ИИБ ХЧК ва ФР бўлиmlари томонидан навбатсиз хизмат кўрсатилиб, уларнинг биографик маълумотлари компьютерга киритилади ва ўрнатилган тартибда биометрик паспорт берилиб, рўйхатга қўйилади.

Амнистия актига кўра, жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан шахслар ўзлари истикомат қиладиган туман ва шаҳарлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларда 8 йўналишда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Тиббий кўриқ давомида бирор-бир касаллик аниқланса, у шахсга нисбатан касаллик тури ва даражасига қараб амбулатор ёки стационар муолажалар белгиланади. Агарда жазони ижро этиш муассасасидан сил касаллигига чалинганлиги ҳақида тиббий хулосаси бўлса ёки тиббий кўриқ жараёнида бу касаллик аниқланса, бемор вилоят силга қарши курашиш диспансерида даволанади. Бар-

Шермат ЖУМАЕВ,
Самарқанд вилоят
прокурорининг ўринбосари

ча тиббий кўриқ ва муолажалар бепул амалга оширилади.

Ушбу тоифа шахсларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказларида 6100 дан ортиқ бўш иш ўринлари яратилган. Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига биноан, озод қилинган шахслардан меҳнатга лаёқатли бўлган фуқароларнинг касби, маълумоти, қизиқиши ҳамда тажрибаси инобатга олинган ҳолда бандлигини таъминлашга эришилади.

Амнистия актининг ижроси ва аҳамиятини аҳолига кенг тушунтириш борасида туман ва шаҳарларда тузилган ишчи гуруҳлари томонидан учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Жазодан озод этилганлар томонидан қайта жиноятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида ҳисобга олиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун уларни доимий яшаш манзилларга қўзатиб қўйиш амалиёти йўлга қўйилган. Шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, соғлигини тиклаш, ишга жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар назоратига топшириш, ўқишга тиклаш, профилатик ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Жаҳон иқтисодиётида мавжуд рақобат муҳити миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида инновацион технологияларни кенг қўллашни тақозо этмоқда, шу жумладан, тижорат ва савдо соҳаларида ҳам. Ҳозирда электрон савдо ва тижорат хўжалик субъектларининг иқтисодий-молиявий барқарорлигини ва бозорлардаги устуворлигини таъминлашга хизмат қиломоқда.

Тижоратни назорат қилиш бўйича ўзгартиришлар халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади

Соҳибжон ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси

Бугунги иқтисодчи-экспертлар электрон тижоратни иқтисодиётни ривожлантирувчи самарали механизм деб таъкидламоқдалар. Бу фикрлар мантқан асосланган бўлиб, ҳозирги замонавий жамиятда шиддат билан ривожланиб келаётган ахборот технологияси ва коммуникация тизимлари барча соҳаларни қамраб олмақда, бу эса ўз навбатида, жамият субъектлари ўртасидаги муносабатларни янги кўринишда ташкиллаштиришни талаб этмоқда.

Бугунги харидор ва истеъмолчининг талаблари кундан-кунга кенг ва серкиррали бўлиб бормоқда ва уларни қондириш, шу билан бирга, ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда электрон савдо ва электрон тижорат самарали восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан электрон савдо ва тижоратни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳозирда соҳани ривожлантириш учун иқтисодий, техник ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилган ва улар доимий равишда тақомиллаштириб борилаётган.

Хусусан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил сентябрдаги "Савдонинг баъзи шакллари амалга ошириш тартибига солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қарориға мувофиқ, ҳукуматнинг алоҳида савдо шакллари назорат қилиш бўйича қатор қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. "Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомға киритилган ўзгартиришга кўра, энди товарларни электрон тижорат шаклда сотишда иш қилувчилар билан сотишда шартномаға улгуржи савдо билан шуғулланувчи харидор (бюроутмачи)нинг давлат солиқ хизмати органидаги рўйхатдан ўтган жойидан тургун савдо шохобчаси мавжудлиги ва назорат-касса машинаси борлиги ҳақида маълумотномасини илова қилиши талаб этилмайди.

Шунингдек, юридик шахслар тургун савдо шохобчаларидан ташқари назорат-касса машиналаридан фойдаланиш шарти билан кўча савдо объектлари орқали ҳам чакана савдо-сотикни амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари, юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларга тургун савдо шохобчаларидан ташқарида ва назорат-касса машиналаридан фойдаланмасдан электрон тижорат шаклида чакана савдо-сотик қилишлариға йўл қўйилади. Унда товарларни электрон тижорат шаклда сотишда иш қилувчилардан ташқарида тароз ва бошқа ўлчов асбобларидан фойдаланиш имкониятлари ўз аксини топган. Энди банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари фақат тургун савдо шохобчаларидагина эмас, балки кўчар савдо объектларида ҳам бўлиши шарт.

Электрон тижорат шаклида нон ва нон-булка маҳсулотларини сотишда энди махсус анжомлар (вилкалар, пичоқлар, ажратувчи тахталар, стеллажлар, полкаларни нон ушоқларидан торзалаш учун четка ва бошқалар) талаб этилмайди.

Шунингдек, электрон тижорат шаклда картошка ва мевасабзавот товарлари полкаларда, этажеркаларда ва пештахталарда, шу жумладан совутиш пештахталарида, чакана савдо столларида, саватларда, яшиқларда ва бошқа асбоб-ускуналар ва жиҳозларда кўрсатиб қўйилиши талаб этилмайди.

Кўча тижорат объекти фаолияти амалга оширилаётган жой ўзгарган тақдирда 7 иш куни мобайнида бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларини оғохлантириш талаби ҳужжатға қўшимча қилиб киритилган. Ҳам кўча тижорат объектлари, ҳам тургун савдо шохобчалари назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказиш карточкасини олиш учун давлат солиқ хизмати органларига бир хил ҳужжатларни тақдим этишади.

Худди шу тартибдаги қатор ўзгаришлар халқимизни тадбиркорлик билан боғлиқ ҳуқуқларини кенгайтирган ҳолда хизмат кўрсатиш сифатини оширади ва одамларнинг турмуш фаровонлиги ва эркин савдо-сотик борасидаги ҳуқуқий манфаатларини мустаҳкамлайди.

ЁШЛАР ВА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Республикамизда юксак маънавиятни, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий им-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояға етказиш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борилаётган.

Зарифа МАВЛОНОВА,

Миробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси

2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан Давлат дастури, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг маънавий давоми бўлди.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, "Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояға етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашиға эришиш — ота-онанинг энг улуг, энг муқаддас орзуси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз".

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунда демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида ёшларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятни, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш, соғлигини сақлаш, ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби масалаларға қаратилган тадбирлар белгиланган.

Буларнинг барчаси мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда ёшларнинг, шу жумладан, вояға етмаганлар-

нинг фаол иштирокини таъминлашға, уларнинг таълим-тарбияси, билим-малакаси ва турмуш даражасини янада оширишға, ижтимоий ҳимоя қилишға, умуман, баркамол авлодни вояға етказишға хизмат қилади.

Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши учун шароитлар яратиб беришға қаратилган ҳуқуқий асослар яратилган. Ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўйбға чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қаролатлашда ҳуқуқий асослар муҳим рол ўйнамоқда.

Қонунға кўра, давлат мисалати, тили, irqи, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар, мамлакатимизнинг барча ёшлари тўғрисида бирдек гамхўрлик қилади, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялайди.

Мазкур қонунда ёшларға оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланб берилган бўлиб, соҳаға оид қонунчиликни ривожлантириш учун асос сифатида хизмат қилади.

Қонунда ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уни таъминлаш, вояға етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ёшларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари, Ўзбекистон Республикасида давлатнинг истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаши, ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мис-

лалари ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятиға жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони рўйбға чиқариш мақсадида қонунда мамлакатда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан чора-тадбирларни кўришға алоҳида ўрин ажратилган.

Қонунни ишлаб чиқишда Германия, Франция, Финляндия, Австрия, Испания, Болгария, Латвия, Россия ва МДХ давлатлари тажрибаси, шунингдек, Ёшларнинг муниципал ва регионал тузилмаларининг ҳаётида иштироки тўғрисидаги Европа хартияси, МДХнинг "Ёшларға оид давлат сиёсати тўғрисида"ги модель Қонуни каби халқаро ҳужжатлар ўрганилган ва ҳисобға олинган.

Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган давлатларнинг қонунларида мамлакатда ёшларни қўллаб-қувватлаш учун давлат дастурларининг қабул қилиниши лозимлиги қайд этилган. Масалан, Финляндиянинг "Ёшлар тўғрисида"ги Қонун 4-моддасиға мувофиқ ҳукумат таълим вазирлигининг манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиққан Ёшлар сиёсатини ривожлантириш Дастурини қабул қилган.

Қайд этилганлардан кўришиб турибдики, давлатимиз ёшлар ва вояға етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ҳамда қаролатлайди.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-35-моддаларида фуқароларимизнинг сиёсий ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган. Уларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, касбаба ўшмаларига, сиёсий партияларға ва бошқа жамоат бирлашмаларига ўшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, давлат органлари ва муассасаларға тақлиф, ариза, шикоятлар билан мурожаат қилиш каби ҳуқуқлари қаролатилган.

Маълумки, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир давлатнинг ўз қадриятлари, қарашлари, тузумидан келятиб чиқиб белгиланади. Чунки бу ҳуқуқ ва эркинликлар шу давлат фуқароларининг бевосита ёки билвосита давлат бошқарувиға ўз ҳиссаларини қўшишини билдиради.

Бу борада хориж тажрибасиға назар соландиган бўлсак, шахсининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар масаласи қўллаб халқаро ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган.

"Европа учун Париж Хартияси"да шахсининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларға ёрдам бериш ҳукуматларнинг биринчи галдаги вазифаси эканлиги кўрс-

тиб ўтилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт сингари ҳужжатларда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тан олинган. Мазкур ҳужжатларда шахс эркинликларини камситишнинг барча шакллари таъқиқлайдиган қоидалар мавжуд бўлиб, уларни ратификация қилган мамлакатлар ундаги қоидаларға риоя қилишға, бу ҳуқуқлар фуқароларнинг давлатни ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки билан бевосита боғлиқлиги кўрсатилган.

Зеро, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш орқалигина халқ ўз хоҳиш-иродасини давлат ҳокимияти органларига еткази олади ва бу улар учун берилган кенг имкониятидир.

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиятини ташкил этиш, шакллантириш, жамият ҳаётида иштирок этиш билан боғлиқдир. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов ҳуқуқидан фойдаланишларида ҳам намоён бўлмоқда.

Шу йил 4 декабрда мамлакатимизда бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов ҳам халқ хоҳиш-иродасининг, демократиянинг амалдаги ифодаси бўлади.

Феруза ҚУРБОНОВА,

Зульфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишининг янги босқичи

Яқинда мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 27 йиллигини нишонлади. Мустабид тузум исқандасида бўлган ўша даврда "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ақлга сиғириш қийин бўлган ҳақиқат эди.

Хар бир қилинган ишнинг, қабул қилинган ҳужжатнинг қадр, аҳамиятининг намоён бўлиши давр ва вақт ўтиши билан сайқаллашиб боради, унинг ижтимоий ҳаётдаги ҳақиқий ўрни билинади. 1989 йил 21 октябрда ушбу тарихий ҳужжатнинг қабул қилинишини Ўзбекистонда ҳуқуқ ислохотларининг илк босқичи ва мустақиллик пойдеворининг кўйилиши деб эътироф этиш мумкин.

Шу тариқа Ўзбекистон мустақилликка эришгунча яна бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни мамлакатда Президентлик институтини жорий этиш, янги Конституцияни ишлаб чиқиш бўйича конституцион комиссияни тузишга оид асослар яратилди.

Қабул қилинган бу ҳужжатлар нафақат Ўзбекистоннинг истиқболлини, истиқлолини қонуний мустаҳкамлагани билан, балки уларни ҳуқуқий асослаганига, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги билан ҳам тан олинди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президент ташаббуси билан бошланган суд-ҳуқуқ ислохотлари мамлакатнинг мустаҳкам ҳуқуқ пойдевори асосида ривожланишига, унинг қонуни халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишига замин яратди. Мамлакат ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танадди. Бундай давлатнинг қонуни эса халқаро стандартларга мос равишда бўлиши талаб этилади. Эски тузум қонуни бу талабларга бутунлай жавоб бермас, демократик давлатга оид нормалар яратилмаган эди.

Шу тўғрисида, Ўзбекистон барча демократик нормаларга мос бўлган қонуни яратиши ва қабул қилиши зарур эди. Ушбу талаб ва заруратдан келиб чиқиб Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини бутун фаолияти давомида суд-ҳуқуқ ислохотларини кенг кўламли амалга ошириш сийосатини олиб борди.

Ўзбекистонда жуда кўп қонунлар қабул қилинди, уларга мунтазам равишда қўшимчалар, ўзгаришлар киритиб келинмоқда, ривожланиш ва такомиллашув талабларидан келиб чиқиб, кўп қонунлар янги тахрирда қабул қилинмоқда.

Замон жуда шиддат билан ўзгармоқда, биз ундан орта

қололмаймиз. Атрофимиздаги жараёнларни англаш, уларга баҳо бериш ва муносабат билдириш учун кенг доирада фикрлаш кунлик заруратга айланди. Шу жиҳатдан кундан-кун халқимизнинг онги, ҳуқуқий маданияти ўсиб, ривожланиб, фаровон яшаш ва ҳаёт кечирини таъминловчи, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этувчи қонуний асосларни такомиллаштириш, унинг муҳим қирраларини очиб, яратиш, сифат жиҳатидан янги босқичларга кўтаришни тақозо этмоқда. Хорижий давлатлар билан интеграциялашув жараёнлари, асрий миллий анъаналаримиз, кадриятларимиз, тарихий меросларимиз жуда катта ижобий томонларини намоён этиб, ривожланиш ва тараққиётга йўл берадиган ҳуқуқий асосларни яратишнинг янги йўналишларини аниқлашга хизмат қиляпти. Халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш йўлида давлат томонидан олиб борилаётган сайёҳаракатлар, аҳолининг қонунга иттиқдорлик, уни ҳурмат қилиш, ватанга садоқат, фидокорлик, жараёнларга дахлдорлик ҳисларини кучайтиряпти. Ўзбекистонда кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислохотлари олиб борилиб, демократик давлатнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Мамлакатнинг янада кенг кўламли тараққиёт этиши, ривожланиши, барқарорликнинг таъминланиши, шунингдек, давлат бошқаруви модернизация қилиниши такомиллаштириш масалалари кун тартибиде турар экан, суд-ҳуқуқ ислохотларини янги босқичга кўтармасдан бунга эришиш қийин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони айнан шу мақсадни кўзлаган. Ушбу фармон суд-ҳуқуқ соҳасининг жуда кўп жабҳаларини тубдан ислоҳ этишга дахлдор. Фармоннинг қай даражада моҳияти кенглигини фармон асосида тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастурида қабул қилиниши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўламиндан ҳам билса бўлади.

Фармон суд-ҳуқуқ соҳасининг кўп йиллардан бўён мунозарали бўлиб келган масалаларнинг қонуний ечимини топиш билан бирга, уларни босқичма-босқич янада такомиллаштириш йўналишларини белгилаб берган ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга бағишланган.

Қайд этиш лозимки, жиноят процессуал қонунчилигида

жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш институтининг бекор қилиниши, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддатини 1 йилдан 7 ойга қисқартириш — бу йўналишлардаги муҳим масалаларнинг қонуний ечимини топишга йўл очиб беради. Бундан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, судлар янги қонунга кўра жиноят ишларини қўриш натижаларига бўйича фақат судда аниқланган ва исботланган ҳолатларга суянган ҳолда оқлов ёки айблов ҳукмини чиқарилади.

Фармонда "терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокама жараёнида тўлдирishi механизларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институтини бекор қилиш" ва тергов муддатини қисқартириш масалаларининг қўйилганлиги тергов органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини бунчи ҳолатларини кескин чеклайди. Амалиётда жиноят иши терговини юритиш жараёнида терговчилар томонидан

икки мартагача қўшимча терговга қайтарилиши жиноят ишининг учинчи марта судда қўрилишига шароит яратади. Агар юқори турувчи судларнинг ҳукмини ёки қарорни бузиб ишни янгидан судда қўрилишига қайтарилиши ҳам эътиборга олсак, судда ишни қарийб чегараланмаган марта битта ишни судда қўриш мумкин. Тергов ва судда ишларнинг бир неча мартадан қайта-қайта қўрилиши нафақат иш бўйича айбдорларнинг, балки жабранувчиларнинг, гувоҳларнинг, холислар, эксперт ва процессуал бошқа иштирокчиларнинг терговга, судга бир неча мартадан қайта-қайта чиқарилишига, уларнинг кўп вақти йўқотилишига, бу органларга келиб-кейтишлари учун кўп вақт харажатлар қилишларига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари ушбу ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу тўғрисида, тергов муддати, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг энг кўп муддатининг қисқартирилиши ва жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши бекор қилиниши процессида янги йўналиш — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши таъминлаш каби муҳим долзарб муаммоларни тергов ва суд органларининг ваколатларини чеклаш йўли билан амалга ошириши бошлаб берди дейиш мумкин.

Бунда албатта, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши бекор қилиниши тергов органлари ва прокурорлар ўз вазифаларига ўта масъулият билан қарашларини тақозо этади. Улар ҳар бир содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини синчковлик билан ўрганиб, жиноятнинг тўлиқ очилиши, айбдорларнинг барчасини аниқлаш, уларнинг айбини тасдиқловчи далилларга асосланган айб ёзлов қилиш ва ҳокзо процессуал қонунларда талаб этилган нормаларни сўзсиз бажаришлари керак.

Янги меъёр талабидан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, жиноят иши судга мазмунан қўриш учун юборилганидан сўнг, унда аниқланган тергов камчиликларини бартараф этиш имконияти чегараланган. Шу тўғрисида тергов органлари ҳодимлари ва прокурор жиноят ишларини судга юборишда у тўлиқ ва ҳар томонлама сифатли, қонуний тергов қилинганлигига амин бўлишлари лозим.

Фахри РАҲИМОВ,

Бош прокуратуранинг ОУК қатта ўқитувчиси, юридик фанлари доктори

Фармонда жиноят ишини терговга қайтармасдан, уни суд муҳокама жараёнида тўлдирish механизларини жорий этиш орқали ҳал этиш тақлиф этилмоқда. Бундай механизларнинг ишлаб чиқилиши жиноят иши терговининг айрим камчиликларини суд процессида бартараф этишга имкон беради. Дастлабки терговнинг сифатли ва тўлиқ амалга оширилиши таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 385-моддасида белгиланган прокурор томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтини сақлаб қолганлиги мақсадида мувофиқ, Чунки, прокурор жиноят ишининг терговни устидан назоратни ташкил этиб, унинг тўлиқ тергов қилинишига масъул ва тергов камчиликлари билан жиноят ишининг судга юборилишини бартараф этиш чораларини кўради.

ЖПКнинг 415-моддасида айбланувчига қўйилган айбловнинг суд томонидан ўзгарилиши мумкинлиги ўз ақсини топган. Ушбу процессуал норма бевосита жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти билан боғлиқ ва уни билиш лозим бўлади. Унда таъкидлаганидек: "Суд айбловини ўзгаришига ҳақли". Аммо бунда фақат айбни енгиллаштириш ҳолатларда, яъни "Бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тасвирий аломатлари чиқариб ташланади". Айнан шу моддада "Айбловнинг суд томонидан огирроғи билан ёки дастлабки айбловга нисбатан фактик ҳолатлари жиддий фарқ қиладиган айблов билан ўзгарилишига йўл қўйилмайди", дейилган. Бундан хулоса шуки, суд ўзига қўриш учун юборилган жиноят ишида айбловни енгиллаштириш томонга ўзгариш ҳукм чиқариши мумкин, аммо огирлаштириш томонига қарор чиқара олмайди.

Амалдаги қонунда ишни қўшимча терговга қайтариш ЖПКнинг 416-моддасида қўрсатилган. Ушбу моддада юқоридаги фармонга мос равишда ўзгариш, суд жиноят ишларини қўришда тўплаган ва суд жараёнида тўлдирish имкониятларини кўрган ҳолда аниқлаган ҳолатлардан келиб чиқиб, ЖПКнинг 462-моддасида мувофиқ айблов ёки оқлов чиқарилиши назарда тутилганлиги таъкидлаш лозим бўлади.

Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилиниши кўпгина ташкилий ишларни ҳам амалга оширишни тақозо этади. Хусусан, жиноят ишлари юзасидан тергов юритиш сифатини кескин даражада кўтариш, терговчиларнинг савияси ва билимларини янада ошириш, уларда масъулият ва жавобгарлик ҳиссини оқсатириш талаб этилади.





Экологик лойиҳалар — барқарор ривожланишнинг муҳим омили

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 55-модда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофазалаш, табиатга ишлаб чиқариш ва инсон фаолиятдан етадиган зарарли таъсирларнинг олдини олиш, экологик соф ривожланиш технологияларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган узлуксиз чора-тадбирлар жамиятни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлаётди.

Мамлакатимизда экология соҳасида ўттиздан ортиқ қонун ва 150 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатдан иборат мустақам қонунчилик базаси яратилган. Ер, сув, ҳаво, тупроқ мусофоллигини таъминлаш, чиқиндиларни зарарсизлантириш, ишлаб чиқаришга соф технологияларни жорий этиш, биологик ресурсларни муҳофазалаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Натижада табиатга ташланаётган чиқиндиларни кескин камайтириш, табиий мувозанатни таъминлаш, халқимиз фаровон турмуш кечириши учун қулай экологик муҳит яратишга эришилмоқда.

2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Ҳайвонот дунёсини муҳофазат қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги ҳамда 2016 йил 21 сентябрдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофазат қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунлар бу соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлади.

Мамлакатимизда табиатдан фойдаланиш ишларида давлат назоратини юритишнинг замонавий тизими яратилган. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси томонидан бу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат экологик назоратини ташкил этишда ташкилот, корхона, муассасалар, жамоат тузилмалари билан қўшма ҳамкорлик йўлга қўйилгани, бу йўналишда олиб борилётган дасту ва лойиҳаларнинг натижаларидан аҳолининг хабардорлиги таъминланаётгани ўз самараларини бермоқда.

Ўзбекистон Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси ҳўжалик юривчи субъектлар ўз фаолиятида экологик қонунчилик талабларига нечоғлиқ риоя этаётганини аниқлаш мақсадида режа асосида текширувлар ўтказмоқда. Атроф табиий муҳит мониторингини юритиш, давлат экологик экспертизаси ва сертифицилаштириш ишларини ташкил этиш, экологик таҳлил юритиш, жамиятнинг турли тармоқларида қайта тикланувчи

манбалардан фойдаланишни кенгайтириш, биологик захираларни асраш, табиати муҳофазалаш соҳасида давлат кадастрини юритиш каби устувор вазифаларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида тўрт юздан кўпроқ ҳўжалик юривчи субъектда табиий муҳит мониторингини ишлари олиб борилди. Корхона ва ташкилотларга тегишли беш юзга яқин манбадан атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддалар меъёридан ортиқ чиқётгани аниқланиб, экологик қонунчилигимизга мувофиқ, тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Давлат экологик экспертизасидан ўтказиш мақсадида тақдим этилган йигирма мингдан кўпроқ лойиҳа чўқур ўрганилганда, уларнинг аксарияти табиати муҳофазат қилишга оид қонунчилик талабларига мувофиқ келиши маълум бўлди. Ушбу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ижобий тўғриликлар берилган, экологик соф ва тежамкор технология асосида фаолият юритадиган саксондан кўпроқ қувватлар барпо этилди. Кам чиқитли, энергия тежайдиган, ифлослантирувчи моддаларнинг табиатга ташланиши жараёнини автоматик назорат қиладиган бундай замонавий технологиялар барқарор ривожланиш омилидир.

Табиатни муҳофазат қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш экологик лойиҳаларнинг муҳим йўналишидир. Ўзбекистон Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси ва "Ергедезакадастр" давлат қўмитаси ҳамкорлигида бу йўналишда қўшма чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида 341 турдаги ўсимлик, 222 турдаги ёввойи ҳайвон географик маълумотлар базасига киритилди. Уларнинг салмоқли қисми камёб ва йўқолиб бораётган турлардир. Икки юз тўртта иншоот муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар жўғрофий маълумотлар базасига киритилди.

Бундан ташқари, чиқиндиларни утилизация қилиш ва қўмиш жойлари давлат кадастри, муҳофазат этиладиган табиий ҳудудларнинг паспортини юритиш, ёввойи ва экзотик ҳайвон турлари кўпайтириладиган питомникларни рўйхатга олиш ишлари давом этмоқда. Бу чора-тадбирлар биологик захираларни муҳофазалашга йўналтирилган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қиладди.

Чиқиндиларнинг атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига салбий таъсирини камайтириш глобал экологик муаммолардан биридир. Мамлакатимизда ушбу соҳадаги ишларни ташкил этиш бўйича мустақам ҳуқуқий асослар ва амалий механизмлар яратилган ва бу жараён изчил такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 сентябрда қабул қилинган "Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ симобли лампалардан фойдаланаётган барча юридик шахслар уларни махсус ускуналар билан жиҳозланган ва ушбу фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотларга утилизация қилиш учун қайтариб топшириши шарт. Бундай чиқиндиларни аҳолидан йиғиб олиш бўйича ҳам ўзига хос механизм яратилган. Тизимли ишлар самарасида жорий йилнинг 9 ойида уч юз минг данадан кўпроқ ярқоқсиз ҳолга келган ана шундай лампа утилизация қилинди.

Табиатга салбий таъсир етказадиган ҳар бир чиқиндининг табиатга ташланишини назорат қилиш, уларни зарарсизлантириш Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси томонидан алоҳида назоратга олинган. Техник мойларни топшириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, сақлаш ва ташини ишлари ҳам эътиборда.

Жорий йилда Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида ишлатилган техник мойларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Eco prista" қўшма корхонаси ишга туширилиб, 1162 тонна шундай маҳсулотлар қайта ишланди. "Eco prista" ва "Uz-Ecoprotect" қўшма корхоналари 150 дан ортиқ корхона билан ишлатилган техник мойларни қабул қилиш бўйича шартномалар тузиб, жами 137,7 тонна мой қайта ишлаш учун қабул қилинди. 769,6 тонна ишлатилган автосиналор утилизация қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 147 фоиздан ташкил этади. Ярқоқсиз ҳолга келган 320 тонна компьютер техникалари пойтэхтимизда "Тошрангметзавод" корхонасига утилизация қилиш учун топширилди.

— Экологик лойиҳалар қўламини янада кенгайтириш, бу борада қабул қилинган дастурларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этишда кенг жамоатчилиқнинг иштироки муҳим омил бўлиб хизмат қиладди, — дейди Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи Хония Асилбекова. — Давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ана шу йўналишдаги ижтимо-

ий шериклик муносабатларини кучайтириш, аҳолининг экологик дунёқарашини юксалтириш мақсадида жойларда бир ярим мингга яқин учрашув, семинар, тақдирот, ижтимоий экологик акциялар, таълим муассасаларида очиқ дарслар ташкил қилинди. Экологик хавфсиз, кам чиқитли ва ресурс тежамкор технологияларни татбиқ этаётган саноат ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ҳамда муҳофазат этиладиган табиий ҳудудларга ўттиз икки марта медиатор уюштирилди.

Аҳоли яшаш пунктларида жойлашган маъий чиқиндиларнинг ҳолатини ўрганиш, ноконуний чиқиндилар юзага келишининг олдини олиш, далаларда сомон, аҳоли пунктларида ҳазонлар ва бошқа ўсимлик қолдиқларини ёқиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан ноконуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида жами 586 тезкор рейд ўтказилди.

Табиат муҳофазатига йўналтирилган бундай долзарб муаммоларни бартараф этишда жамоатчи экологик инспекторлар фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

2013 йил 28 декабрда кучга кирган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонунда бу йўналишда белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан экологик назоратнинг жамоатчи инспектори институтини ривожлантириш бўйича тегишли ҳўжат ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Жойларда олиб борилган кенг қўламадаги тарғибот-тушунтириш ишлари натижасида бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари ва экология йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларидан иборат йигирма минг нафардан кўпроқ жамоатчи инспектор рўйхати шакллантирилди. Жамоатчилик экологик назорати инспекторлари ишини ташкил этиш ва амалиётда фойдаланиш учун 24 минг нусхада услубий қўлланма тайёрланди. Бу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириб бориш учун табиати муҳофазат қилиш ҳудудий қўмиталари базасида ахборот-ресурс ва услубий марказ ташкил қилинди. Атроф-муҳит муҳофазати қонунчилиги бўйича меъёрий ҳўжатлар тўплами тайёрланиб, мутахассисларга тақдим этилмоқда.

Бундай кенг қамровли чора-тадбирлар экологик қонунчилик бўйича ижро механизмларини кучайтириш, фуқароларда табиий муҳитга нисбатан эҳтиётлик билан муносабатда бўлишни шакллантириш ва табиатни асраш ҳар бир юртдошимизнинг фуқаролик бурчи эканини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Damas» ўғриси

Иброҳимбек куни бўйи пул излаб, овора бўлди. Янги йил арафаси, ҳамма ўз ташвиши билан банд. Пул тополмай, асаби таранглашди. Ўзи, бировнинг "Damas"ни ижарага олиб, киракашлик қилиб юрганли. Нима бўлди-ю, йўл назоратчилари уни тўхтатиб, хужжатлари жойида бўлмаганлиги учун машинани жарима майдончасига қўйишди. Энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорда жарима тўлаши керак экан. Энди жаримани тўлаши, машинани олиб чиқиш, пул ишлаши керак. Ижара пули ҳам оз эмас... Иброҳимбек чора излаб, кечаси яна кўчага чиқди. Ҳаёла билан вақт ярим тундан ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди.

Йўлдан ўтаётган оқ рангли "Damas"га қўл кўтариб, тўхтатди. Ҳайдовчи машинада ёлғиз экан. Иброҳимбек орқа эшикни очиб, "Лаганди кишлоғига бориб келайлик, оиламни олиб келишим керак эди", деган эди, ҳайдовчи йўлқира учун 20 минг сўм сўради. Иброҳимбек унга пулнинг бир қисмини узатиб, қолганини қайтганларидея беришини билдирди.

Йўлга тушишди. Ҳайдовчи телефонда ким биландир гаплашиб кетди. Иброҳимбек эса

хаёлига келган режасини пишитиш билан банд эди. Талликурон қишлоғидаги чорраҳага етганда Иброҳимбек машинани чапга буришни буюрди. Бир муддат юришгач, ҳайдовчи "Лаганди бу томонда эмас-ку", деб қолди. Ҳамон ўз хаёли билан банд бўлган Иброҳимбек чайналганча, адашганини айтди. Ортга қайтишди. Касби йўлидан кетишди. Коллеж биносидан ўтиб, Лагандининг ички кўчаси бўйлаб биров юриб, чапга бурилишди. Иброҳимбек ўзича йўл кўрсатиб борди.

Нихоят Иброҳимбек ҳайдовчидан кўчанинг охирида машинани тўхтатиб, биров кутиб туришини сўради. Машинадан тушиб, у ёқ-буёқни айланиб келгач, ҳайдовчи "Почкам маст бўлиб, опамни урибди. Илтимос, менга ёрдам беринг, мен келганимни билса, қочиб кетади", деди. Ҳайдовчи шошганча "Damas"дан тушаётганида машинани ўчирмаслигини тайинлади. Сўнг унга қайси томондан боришини айтди-ю, ўзи девор ортга яширинди.

Ҳайдовчи мижозининг ярим тундаги илтимосини ерда қолдирмай, йўлакчадан уй томон кетаётганда, машинасининг эшиги очилиб-ёпилганини, чироқлари ёқилиб, юриб кет-

ганлигини кўрди-ю, орқасига югурди. Аммо унинг "ҳай-ҳай"-лаши бефойда эди. "Damas" бир зумда қоронғилик қўйнига ғойиб бўлди...

Ҳайдовчи бир муддат нима қилишни билмай қолди. "Damas" бировники эди. Транспорт хизмати уюшмасига аъзо бўлиб, меҳнат шартномаси асосида 4-йўналишда қатнардди. Ишни тамомлаб,



ички йўлларда киракашлик қилиб юрганлида шу балога йўлиқди. У биров ўйлаб тургандан кейин акасига қўнғирок қилди. Ўзи эса қоронғи кишлоқ кўчалари бўйлаб етди йўлга ошиқди. Акаси етди қалғач, унинг машинасида шу афсонадаги кўчаларни қараб чиқди. "Damas" ер ютгандай изсиз йўқолганди. Охири

Ақмал САЙФИТДИНОВ,
Қарши туман прокурори
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

ички ишлар бўлимига хабар беришга мажбур бўлишди...

Иброҳимбек машинани момсининг Арабхона маҳалласидаги уйи томон ҳайдади. Момси ва бобосининг Яккабоғ туманига кетишганини биларди. Дарвозани очиб, "ўлжа"ни ҳовлига киритди. Туннинг қолган қисмини машинада ўтказди. Тонггача кўзига уйку келмади.

Эртасига кўчага чиқди. Ўтқир ака деган кишининг устaxonасига борди. У ерда таниши Лазиз ишларди. Уни топиб, бир чеккага олиб чиқди ва "Damas" машинани олиб қочганини, уни эҳтиёт қисмларга ажратишда ёрдам беришини сўради. Лазизнинг ранги ўчиб, унинг таклифини рад қилди. Аммо Иброҳимбек ҳол-жонига қўймагач, у билан Арабхонага жўнади. Йўлда бозорга кириб, ижарага "болгарка" ҳам олишди.

Ўша куни "Damas" бир уюм темир-терсаққа айланди. Иброҳимбек Лазизга машинани "майдалаб" бергани учун 200 минг сўм берди. Эҳтиёт қисмлардан бир қисмини сотиб,

жаримани тўлади ва ўзи ижарага олиб ҳайдаган "Damas"ни олиб чиқди. Унга "ўлжа" машинанинг метан баллони ва рул колонкасини ўрнатди.

Янги йил байрами ўтгач, Иброҳимбек йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ижара "Damas"и яна жарима майдончасига қайтди. Бу сафар "ҳаражат"лар учун "ўлжа" шиналар сотилди. Сўнг навбат эшикларга етди...

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларининг тадбирлари ниҳоят ўз самарасини берди. Машина ўғриси аниқлашиб, тергов ҳаракатлари бошланди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг ҳукми билан Иброҳимбек Ибрагимов Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўйиш йўли билан 4 йил-у 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жабранувчига "Damas"нинг 53 турдаги, жами 19 млн. сўмлик эҳтиёт қисми тилхат орқали қайтарилганлиги қайд этилиб, қолган 10 млн. сўм зарар ҳам ундан ундириладиган бўлди.

...Ажабо, дейсиз беихтиёр. Қоидабузарлиги учун Иброҳимбек жаримани тўламан деб, яна жиноятга қўл урди. Оқибатда каттароқ жазога тортилди. Ҳали уйланишга ҳам улгурмаган бу йигит умрининг гул даврини панжара ортда ўтказишга мажбур бўлди. Энг ёмони эл ортсида "ўғри" деган ном орттирди. Бу доғни ювиш энди осон кечмаслиги аниқ...

Дарахт танасидаги қурт

Бевосита хизмат вазифасини бажариш эвазига ёки бажаришни ваъда қилиб-пора талаб қилган мансабдор шахс ёки масъул ходим, шунингдек, пора бериш орқали муддаосига эришмоқчи бўлиб, тамагирларнинг тегириғида сув қуйган кимсаларни бежиз дарахт танасига тушган қуртга қиёслашмайди. Жиноят кодексига белгиланган нормага мувофиқ, нафақат пора беришга далолат этувчи, шунингдек пора бериш эвазига муайян муддаосига эришини кўзлаган кимсалар ҳам жиноий жавобгарликка тортилади. Аини чоғда пора талаб қилинаётгани ҳақида ўз вақтида мурожаат этган шахслар жавобгар бўлишмайди.

Жазонинг муқаррарлиги қаторида жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалиб бориши, фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларини, мансабдор шахслар ва ходимларнинг хизмат вазифаларини беминнат бажаришга масъулликларини яхши билишлари ҳамда мурожаатларини қонуний ҳал этишни талаб қилишга оdatланишлари баробарида ушбу иллатнинг пайи қирқилиб боради. Афсуски, амалдаги қонун-қоидалардан беҳабар ёхуд масаланинг қонуний ечимларини атрофлича сўраб-суриштириб, керак бўлса, ҳуқуқий маслаҳат олиб ҳал этиш ўрнига, муайян "хизмат ҳақи" эвазига "ишни битириш"дан умидвор бўлган киши алданганига ақли етганидан кейингина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этган ҳолатлар суд амалиётида гоҳида бўлса-да, учрамоқда.

Қува педагогика коллежининг ўқувчиси А.Хасанов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўқишини ҳуқуқшунослик коллежида давом эттирмоқчи бўлади. Бу борада белгиланган қоидага кўра, коллеж талабсининг ўқишини бошқа коллежга кўчириш масаласи Республика Вазиrлар Маҳқа-

масининг 2012 йил 29 декабрдаги "Урта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган Низом талабига мувофиқ, ёзги таътил даврида қўриб чиқилади. Аризалар ўқувчилар ўқитган таълим муассасасига тегишли хужжатлар топширилгач, июль ойининг охирига қадар вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармасига тақдим этилади. Бошқармада ташкил этилган ишчи гуруҳи вилоят бўйича аризаларни ваколат доирасида ажратди ва Урта махсус касб-хунар таълими марказида ташкил этилган ишчи гуруҳига юборади. Ўқишни кўчириш ҳақидаги ўқувчиларнинг аризаларини ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ваколати бўйича қўриб чиқиб, тегишли вазиrликларнинг хулосалари асосида қуний бошқармаларга юборади ва шу асосда ўқувчилар ўқиши бошқа таълим муассасасига ўтказилади ёки ўз жойидея ўқишни давом эттиришади.

Ўқувчи А.Хасановнинг қариндошлари М.Мардонова ва И.Ёрқулова йил бошида Фар-

Маъруфонов ТЕШАБОЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Фарғона шаҳар суди раиси
Исроил ИБРОХИМОВ,
«Huquq»

ғона ҳуқуқшунослик коллежига келишади. Қабулхона котибасига педагогика коллежидея ўқитган жиянлари Аслиддиннинг ўқишини ушбу ҳуқуқшунослик коллежиге кўчиришга ёрдам беришини сўрашади. Котиба бу масала бўйича Рисолатхон опага мурожаат эта-солгач, дея уларни учраштириб қўяди. Р.Раимова бу борадаги қонун-қоида ни тушунтириш, йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига ўқишни кўчиришининг "чиқими" борлигини, узоғи билан шу йилнинг 15 май кунигача ҳал қилиб бериши мумкинлигини айтди. М.Мардонова ва И.Ёрқулова бир неча бор Р.Раимова билан кўришишади. Сўнгги бор учраганларидея ўқишни кўчириш учун 1200 АҚШ доллари беришларини талаб қилади.

М.Мардонованин жиянининг ўқишини кўчириш учун пора талаб қилган ўқувчига қонуний чора қўриш ҳақидаги аризаси асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида ўтказилган тадбирда Фарғона ҳуқуқшунослик коллежининг ўқувчиси, қирқ олти ёшни қоралаган Рисолатхон Раимова 1200 АҚШ доллари миқдоридея пора олганида ушланган.

Суд мажлисида Р. Раимова-нинг айби қисман иқrorлиғидея ташқари ғувоҳ ва холисларнинг қўрсатмалари, инкор этиб бўлмас далиллар билан тасдиқланди ва у қилмишига мувофиқ жазо тайинланди.

Бугун дунё ҳамжамиятини трансмилий жиноятлар ташвишлантираётгани ҳеч кимга сир эмас. Биргина гиёҳвандлик иллати йирик бизнесга айланиб улғургани барчага маълум. Наркотик ўсимликларни экиш, етиштириш ва ўтказиш эвазига мўмай даромад кўраётган кимсалар афсуски, ҳамон учрамоқда.



Гандирнинг сири

Умид НУРУЛЛАЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

Полиция қўриқхонасида ўзгартirilган) билан Аминжон Ҳақбердиев ҳам ана шундай жирқанч ишга қўл уриши оқибатда суднинг қора қур-сидан жой олишди.

Қаюм Жамиллов яшаш хонадонининг томорқасида 3 тул тақиланган "каннабис" ўсимлигини экиб етиштирди. Ўсимлик етилгач, уни сотиш тараддудига тушади. Бундан хабар топган Ёғждувон тумани МХХ ва туман ИИБ ходимлари гўгурт қутисига қадокланган "марихуанна" гиёҳвандлик воситасини ўзга шахсга сотаётган вақтида қўлга олишади.

Бундан ташқари, Қ.Жамилловнинг ёнидан сотиш мақсадида тайёрлаб қўйилган вазни 37,62 грамм "марихуанна" гиёҳвандлик воситаси топилади.

Аминжон Ҳақбердиев ҳам Қаюм Жамилловнинг йўлидан юрган гиёҳфуришлардан экан. У ҳам тақиланган ўсимликни экиб, ундан "наша" тайёрлаб сотишни кўзлаган эди.

— 2015 йил бошларида бозордан гул уруғларини сотиб олиб, уларни томорқа еримга экиб, улар орасидан униб чиққан "наша" ўсимлигини қўриғач, бу гиёҳни алоҳида парваришладим. Ўсимлик етилгач, гўгурт қутиларига қадоклаб, сотиш учун саклаб келганман. Бу ҳақда оиламдагилардан ҳеч бери билмас эди. "Наша"ни ҳовлимдаги тандирнинг қовагига яшириб қўйгандим. Бир қуни танишим Қаюм Жамиллов келиб мендан "наша" бор-йўқлигини сўрагач, уни қадоклаб қўйганлигимни айтгандим. Унга бир марта 8 дона гўгурт қутисига қадокланган гиёҳвандлик моддасини келишилган нарҳимизга сотганман. Гиёҳвандлик моддаларини етиштириб, сотганлигимдан оиламдагиларнинг хабари бўлмаган, фақат Қаюм биларди ҳолос, — дейди тергов жараёнида Аминжон Ҳақбердиев.

Суд Қаюм Жамилловга 7 йил, Аминжон Ҳақбердиевга 7 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Судланувчилар Қаюм Жамиллов ва Аминжон Ҳақбердиевлар ҳаётининг паст-баландига ақли етadидан, эс-хушли, соғлом, оилали кишилар. Улар ҳалол меҳнат билан қанчадан-қанча ютуқларга эришиб, ўз орзу-ҳавасларига етишишлари мумкин эди. Бирок улар қинғир йўлларни танлаб, адашдилар.

Ота-она бўлиш насиб этган ҳар бир инсон фарзандининг баркамол шахс бўлиб вояга етишини орзу қилади. Соғом авлод тушунчаси, айниқса, бизнинг юрт учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, халқимиз ўз эртасини фарзандларининг истиқболда кўради, "болам", деб яшайди.

Нафсга эрк берсанг...

Собитхон ЖАЛИЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Наманган вилоят бошқармаси катта инспектори

Шу маънода Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши эртанги кунга ишончли мизни мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир залворли қадам бўлди.

Аслида бугунги кунга келиб умуммиллий ҳаракатга айланган бундай ислохотларнинг тамал тоши мустақилликка эришилган дастлабки кунлардаёқ қўйилган эди. Уша пайтдаги турли иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларга қарамай, миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлоднинг тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу боис келажимиз эгалари учун энг замонавий услубда мактаб, коллежлар, олий ўқув юртлири қурилди. Бу жараёнда мактабга таълим муассасалари ҳам эътибордан четда қолмади.

Ҳақиқатан ҳам таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли мактабга таълим муассасаси мудираси Инобат Ботирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) соҳага қаратилган эътиборга бепасанд муносабатда бўлиб, ўзига билдирилган ишончини суистеъмол қилди.

2015 йилнинг июнь-ноябрь ойлари учун муассаса тарбияланувчиларининг ота-оналаридан бадал пулларини гуруҳ тарбиячилари орқали йиғиб олгач, "фезъли айниди". Нафсига эрк бериб, бу маблагнинг 7 млн. 933 минг сўмини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборди. Кейин ўз кирдикорларини яшириш мақсадида болаларнинг қатнови ва уларга ҳисобланган ота-оналар бадалли бўйича ҳисоботга сохта ёзувлар кириштириб, бадал миқдорини камайтириб кўрсатди. Гуруҳ тарбиячиларининг имзосини қалбақлаштириб, туман молия бўлимига тақдим этди.

Мудира қилган ишдан пушаймон бўлиш ўрнига пул топишнинг янги йўллари ахтари бошлади. Тўғри таътилига чиққан Гавҳар Мавлонова унга учраб, ўз ишига қайтиш нияти борлигини айтганда И.Ботирова пул ишлаб олиш имкони туғилганини англади-ю, унинг илтимосини ўзича рад этган бўлди.

— Бунинг асло илоҳи йўқ. Хали болангиз жуда ёш... Қолаверса, ўрингизга одам олиб қўйганман, иш ўрингиз банд.

Мудиранинг кескин рад этганидан юраги гашланган Г.Мавлонова унга ялани бошлади.

— Шу ишимни ҳал қилиб беринг, эвазига нима шарт айтсангиз бажараман. Беласиз, оилавий шароитимиз яхши эмас... Мен ҳозир ишга қайтиб, оиламиз эҳтиёжи учун пул топмасам бўлмайди.

И.Ботирова бир муддат ўйлаб турган киши бўлди-ю, сўнгра ходимасига юзланди.

— Майли, сиз айтгандек бўла қолсин. Фақат... эвазига 150 доллар олиб келиб берасиз! Г.Мавлонованинг рози бўлишдан бошқа илоҳи йўқ эди. У эрта-индин келиб учрашини айтиб, хайрлашди.

Бу орада Г.Мавлонованинг акиси Дониёр келиб, мудирадан пул миқдорини камайтиришини сўради. Бироқ И.Ботирова ўз сўзида туриб олди.

У айтганидек бўлди — Дониёр 150 АҚШ долларини 800 минг сўмга баҳолаб, шунча пулни олиб келиб берди. Аммо бу маблагни ишлатиб хузурланиш И.Ботировага насиб этмади. Кўп ўтмай хизмат хонасига кириб келган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди И.Ботировага нисбатан уч йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифалари ўқлатилган лавозимларда ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 210 баравари миқдоридан жарима жазосини тайинлади.

Мирзачўллик Улбўсин Абдурахмонова ҳеч ерда ишламасдан, бошқалар бошига оғир кулфат келтириш ҳисобига яшаб келганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фуқаролардан келган аризалар бўйича олиб берилган суриштирув-тергов жараёнида маълум бўлди.

Ачинарлиси, унинг бу "қасб" ортидан пул топаётганлигини онаси Қаршигул Абдурахмонова ҳам, турмуш ўртоғи Суннатullo Абсаматов ҳам яхши билса-да, уни бу йўлдан қайтаришмаган. Аксинча, улар ҳам Улбўсин билан ҳамкорлик қилишган.

Улбўсин ўз жиноятини пухта режа асосида амалга оширган. Аввал у одамлар орасида "Қозоғистон Республикасида қариндошларим бор, улар яхши ҳақ тўланадиган иш топиб беришди", деб гап тарқатади. Тўғри, бугунги кунда одам савдоси ҳақидаги хабарларни эшитиб, кўпчиликнинг кўзи очилган. Лекин Улбўсинга ўшаган "даллолла"нинг ёлғон ваздаларига унганлар ҳам топилди.

Дастлаб у қўйган тўзқоқа мириза-чўллик А.Ачилов, Ж.Туронов, Ш.Туронов, Д.Мелибоев, Ф.Урибоев, Ш.Эргашевлар тушишди. Улбўсин уларга Қозоғистонда ойига 300-400 АҚШ долларига тенг миқдордаги

Қабиҳ савдо



иш ҳақи ваъда қилди. Содда одамлар унинг ваздаларига ишонди.

Сирдарё вилояти орқали чегарадан ўтказиб юборилган мириза-чўлликни Улбўсиннинг "қариндошлари" — Жибек ва Қайратлар кутиб олишди. Улар Ўзбекистон фуқароларининг паспортларини вақтинчалик ҳисобга қўйиш ва федерал миграция картаси очтириш бахонасида йиғиб олишди. Ўзлари билан ҳеч қандай шартнома тузмай, беш ой мажбурият ишлатишди.

Улбўсин биринчи ишдан илҳомланиб, жиноий фаолиятини янада кенгайтирди. У онаси Қаршигул ва турмуш ўртоғи Суннатullo билан бу сафар И.Парманов, Б.Мусаев, А.Мамараҳимовларни тўрига туширди. Уларга ҳам қоп-қоп ваъдалар бериб,

Шохруҳбек СОЛИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Жиззах шаҳар бўлими
катта инспектори

эски йўналиш бўйича қўшни республикага ўтказиб юборди. Одам савдосининг қурбони бўлган бу фуқаролар ҳам Жибек ва Қайратлар учун текин меҳнат қилишди, хўрлик азобларини бошларидан ўтказишди.

Орадан кўп ўтмай, уларнинг ҳамқишлоқлари Ж.Урмонов, Ж.Бозоров, С.Юлдашев ва З.Мелибоев ҳам алдовларга учинди. Афсуски, улар ўша дамда бошларига не-не савдолар тушишидан бехабар эдилар. Улбўсин бу юртдошларининг бошига ҳам аввалги жабрдийдалар кулфати солинишига сабабчи бўлди.

Ҳар қандай алдовнинг ҳам чекчегараси бўлади. У Абдурахмонова бошчилигидаги жиноий гуруҳнинг фаолиятига чек қўйилди. Амалга оширган жиноятлари уларни суднинг қора курсисига бошлаб борди. Жиноят ишлари бўйича Мириза-чўл туман судининг мажлисида мазкур иш кўриб чиқилиб, айбдорларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ҳийлакор қўшни

Илҳомжон НЕГМАТОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Самарқанд вилоят бошқармаси катта инспектори

Жўрабек фирибарлик қилиб, пул топишнинг анча ҳадисини олганлардан. Унинг Жумакул исми қўшниси бор. Кўнларнинг бирида кўчада Жўрабекни учратиб қолган Жумакул: — Уйимнинг кадастр ҳужжатлари йўқ эди, — деб қолди. — Ҳужжатларни расмийлаштириш учун шаҳар кадастр хизматида боргандим... Аксига олиб ишим битмади, роса сарсон бўлдим.

— Менга бир оғиз айтмасиз-да, ўзим тўғрилаб берардим, — деди Жўрабек.

— Ростданим, бу иш қўлингиздан келагинми? — Келади, бир пайтлар ўша ерда ишлаганман, ташиларим кўп.

Шу гап бўлди-ю, эртасига иккаласи кадастр идорасига боришди. У ерда бир кишига учрашиб, аллақандай ҳужжатларга қўл қўйишди.

— Ишингиз ҳал бўлаяпти, — деди эртасига икки киши билан Жумакулнинг уйига кириб келган Жўрабек. — Бу кишилар кадастрдан, уйингизнинг ўлчамларини олишди.

Келган кишилар аллақандай аппаратлари билан уйининг ҳар томонидан ўлчам бўлишди.

— Энди менга икки юз минг сўм беринг, — деди Жўрабек. — Кадастр ҳужжатларини тайёрлашга керак бўлади.

Ишининг бундай тез батаётганидан хурсанд бўлган Жумакул айтилган пулни бериб юборди. Шундан сўнг орадан анча вақт ўтса-да, Жўрабекдан дарак бўлмади. Учрашганида "У ташкилотдан, бу ташкилотдан ҳужжат қилиш керак", деб вақтинча ўтказаверди. Орада "Ҳужжатларни тўғрилашга пул керак бўлаяпти", деб Жумакулдан яна пул олиб турди.

Хуллас, Жумакул Жўрабекга жами бўлиб 400 минг сўм берди. Аммо иши битмади. Алданганини билган Жумакул ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди.

Мазкур ишни кўриб чиққан суд Жўрабек Ибрагимовга 11 млн. 979 минг сўм жарима жазоси тайинлади. Шунингдек, жабрланувчига етказилган моддий зарар ундирилган бўлди.

Чўнтакка тушмаган пул

Халқимизнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва оёйсизлигини таъминлаш ўрнига, тамағирлик йўли билан даромад орттиришни мақсад қилган баъзи шахсларнинг жиноятларига барҳам бериш асосий вазифаларимиздандир.

Жумладан, фуқаро Ш.Зойировнинг аризаси бўйича ўтказилган тадбирда Зарафшон шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси лавозимида ишлаб келаётган Мурод Анорбоевнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қилмиши фош этилди.

Ички ишлар ходими бўлган М.Анорбоев фуқаро Ш.Зойировдан алдаб, ундан давлат чегарасидан чиқиб унинг қўйилган тақвони олиб ташлаб эвазига 200 АҚШ доллар беришини талаб қилади. Ш.Зойиров унинг таклифига кўнади ва 150 АҚШ долларини келишилган ман-

зилда унга беради. М.Анорбоев пуллари чўнтагига солишга улгурмади. У воқеа жойида ашёвий далиллар билан ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар суди М.Анорбоевга нисбатан жазо тайинлаб, ҳукм ўқиди.

Тошкент шаҳрида яшовчи Луиза Турғунова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оsonлик билан бойлик орттириш илминга, дастлаб ўзи, сўнг бошқа шахсларнинг номига миллий валютага АҚШ долларини Марказий банк томонидан белгилашган қўйиматларга "VISA EXCHANGE" тўлов пластик карталарига тушириш билан шугулланади.

Уддабурон «тадбиркор»

Мирзобой МАДРАИМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Олмалик шаҳар бўлими инспектори

Сўнг пластик карта очилган шахслардан мазкур карталарни олиб, ишга киришади, яъни республика ҳудудидан ташқарида ҳамда чегарага яқин ҳудудларда пластик карталарни ноқонуний сотиб олиш ва нақдлаштириш билан шугулланувчи жиноий шериклари билан келишим ҳолда уларни АҚШ долларига сотади. Ушбу долларларни эса "қора бозор"да миллий валютага алмаштириб, олинган даромадни шахсий маънафоти учун ишлатади.

У келажакдаги дабдалаи ҳаётини таъминлашни учун 2015 йил давомида ҳамда 2016 йилнинг март ойига қадар 13 нафар фуқарони 50 минг сўмдан ҳақ эвазига ёллайди. Аввал ўзининг, кейин ёлланма шахсларнинг номига АТИБ "Ипотека банк"нинг Олмалик филиалидан "VISA EXCHANGE" халқаро тўлов пластик карталари очиб берилишига эришади.

Л.Турғунова дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Салем исми аёл билан жиноий тил бириктиради. Ўзининг ва 13 нафар фуқаронинг номига очилган "VISA EXCHANGE" халқаро тўлов пластик карталарига 27 минг 985 АҚШ долларини Марказий банк томонидан белгилаб берилган қўйиматда сотиб олиб, Салемга ўтказди ва у орқали АҚШ долларига нақдлаштириб, "қора бозор"да мавжуд тафовут эвазига ноқонуний фойдани қўлга киритади.

Ушбу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар суди Л.Турғуновани ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, 5 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Бразилия судининг қарори

Бразилия терма жамоаси ва "Барселона" клуби ҳужумчиси Неймарнинг солиққа оид жиноятлари юзасидан текширув маълумотлари матбуотга чиқиб кетгани туфайли Бразилия суди мамлакат ҳукуматидан футболчи фойдасига 20 минг евро товон пули ундириш ҳақида қарор чиқарди.



Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг март ойида Неймар 2011 йилдан 2013 йилгача солиқ тўламаганликда айбланган эди.

AS нашри берган хабарга кўра, ҳукумат яна 14 минг еврони Неймарнинг ота-онасига тўлайди. Шунингдек, 5 минг евро Неймарнинг адвокатларга сарфлаган харажани қоплаш учун тўланади. Суд солиққа оид ишнинг мuddатидан аввал матбуотга чиқиб кетганини тасдиқлаган.

«МЮ» Алабага харидор

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби ҳимояни кучайтириш мақсадида Германиянинг "Бавария" жамоаси аъзоси Давид Алабани ўз сафига қўшиб олишга ҳаракат қилади.

Sunday People нашрининг берган хабарига кўра, ноябрь ойида "МЮ" скаутлари Алабанинг Австрия терма жамоаси таркибидан Ирландия ва Словакия термаларига қарши ўйинини кузатишган.

Бундан ташқари, инглиз клуби Австрия терма жамоасининг яна бир футболчиси — Олиан Баумгартлингерга ҳам қизиқиш билдирмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Алабанинг "Бавария" клуби билан тузган амалдаги шартномаси 2021 йилгача мўлжалланган.

Санчес ўрнига Ройс

Daily Mail нашри хабарига кўра, Англиянинг "Арсенал" клуби ўз сафига Германиянинг "Боруссия Д" жамоаси ариям ҳимоячиси Марко Ройсни қўшиб олиш ниятида.



Сабаби, Лондон клубининг асосий футболчиларидан бири бўлган Алексис Санчес ёзда жамоани тарк этиши мумкин. Шунинг учун клуб унинг ўрнига бошқа номзод изламоқда.

Хабарда айтилишича, дортмундликлар музокара бошлашга тайёр.

Номзодлар Эълон қилинди

Globe Soccer Awards 2016 йилнинг энг яхши футболчига топширилаётган соvrин учун асосий номзодларни эълон қилди.

Рўйхатга Лионель Месси ("Барселона"), Криштиану Роналду, Гарет Бэйл (ҳар иккаласи — "Реал"), Антан Гризмани ("Атлетико"), Жейми Варди ("Лестер") ва Гонсало Игуаин ("Ювентус") киритилди. Соvrинларни топшириш маросими 27 ва 28 декабрь кунлари Дубайда бўлиб ўтади.



Эквдор футбол федерациясининг собиқ раҳбари Луис Чирибога ФИФАдаги коррупция иши бўйича айбдор деб топилиб, 10 йил мuddатга озодликдан маҳрум этилди. Бу ҳақда Эквдор прокуратураси баёнотида иқтибос келтирилган ҳолда "Франс Пресс" ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Коррупция иши туфайли 10 йил

Маълум қилинишича, Чирибога 1998 йилдан 2016 йилгача ўз лавозимидан фойдаланиб, федерацияга келаётган пуллари яширган. Шунингдек, федерациянинг газначиси Уго Мора ҳам 10 йиллик қамоқ жазосига маҳкум қилинган. Федерациянинг собиқ ҳисобчиси Перо Верага жиноятда иштирок этгани учун 3 йил-у 4 ойлик қамоқ жазоси тайинланган.

2015 йил январь ойида Чирибога ўз лавозимига 4-мuddатга қайта сайланган эди. Ўтган йилнинг декабрида мамлакат ҳукумати ФИФАдаги ноқонуний фирибгарликларга алоқадорлиги сабабли уни ҳибсга олишга ордер берган. Шундан кейин Чирибога Эквдор полициясига ўз ихтиёри билан таслим бўлган. 2016 йил март ойида Чирибога ўз лавозимини тарк этган.

Шартномани узайтирмаслиги учун 100 млн. евро таклиф қилинди

Испаниянинг "Барселона" клуби ҳужумчиси Лионель Месси жуда фойдали таклиф олган.

Хабарга кўра, "Барселона" клуби билан шартномасини узайтирмаслиги учун Мессига 100 млн. евро муқофот таклиф қилинган. Агар Месси шу ишни амалга оширса, бошқа клублар унинг шартномасида белгиланган 250 млн. еврога тенг товон пулини тўлашига ҳожат қолмайди.

Маълум бўлишича, бундай таклиф билан Мессига муқофот қилган жамоа "Манчестер Юнайтед" клуби бўлиб чиқди. Хабарларга кўра, "Манчестер Юнайтед" жамоаси ва "Adidas" фирмаси Мессини оғдириш акциясини биргаликда ўйлаб топган.

Хабарда айтилишича, немис фирмаси "МЮ"нинг муваффақиятсиз ўйинларидан ташвишда ва брендинг оммавийлиги йўқолаётганидан хавотирда. "Adidas" раҳбарларининг фикрича, Мессини сотиб олиш билан буларнинг баридан кутилиш мумкин.

Аргентиналик футболчи компаниянинг юзи ҳисобланади, шу боис улар 100 миллион евро микдоридagi бонус билан Мессининг шартномасини бекор қилдиroomқчи. Шунингдек, агар Месси "МЮ" клубининг таклифини қабул қиладиган бўлса, "Adidas" фирмаси унга бир умрлик шартнома таклиф қилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, футболчининг "Барселона" билан тузган шартномаси 2018 йилнинг ёзида ўз нихоясига етади. Аргентина терма жамоасининг футболчиси ва уни отаси Каталония клуби билан "Реал" клубига қарши ўйиндан кейин янги шартнома бўйича музокарани бошлади.

Ибрагимовичга ҳайкал қўйилади

Швециянинг Стокгольм шаҳрида мамлакатнинг энг машҳур футболчиси Златан Ибрагимовичга ҳайкал ўрнатишади. Баланглиги 2,7 метр бўлган ҳайкал "Френдс-Арена" стадиони яқинида қал ростлайди.

Айни пайтда "Манчестер Юнайтед" клуби шарафини ҳимоя қилаётган Ибрагимович фаолияти давомида 10 мартаба мамлакатнинг энг яхши футболчиси, деб топилган. Моҳир ҳужумчи Швеция терма жамоасида энг кўп гол урган ўйинчи ҳисобланади.

Бу йил терма жамоадаги фаолиятини тугатган тўпурар ҳужумчи 116 та учрашувда рақиблар дарвозасига 62 та тўп киритган.

Ибрагимович ватанида биринчи марта 2005 йилда энг яхши, деб топилган эди. Кейинги йили "Арсенал"нинг собиқ футболчиси Фредрик Юнгберг бу соvrинга эга чиққан, шундан сўнг Ибрагимович бу мақомни ҳеч кимга бермай келяпти.

"Бу фантастик туйғу. Кўпчилик "нима учун?" деб ўйлайди. Аммо термадаги 15 йил, клублардаги 20 йиллик фаолиятим бунга муносиб кўрилади", — дейди Ибрагимович.

Интернет хабарлари асосида Мақсудали КАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти мақома департаментини Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Равшан Раҳматов падади бузруқвори **Наим РАҲМАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СВОЖДЛҚК департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси жамоаси департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи Улмас Шарипова падади бузруқвори **Чори ШАРИПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

Huquq

yu rid ik gaz eta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat materiallari.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma s-7568. 37.917 nusxada bosildi. Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: D.XALILOV. Sahifalovchi: S.BABA JANOV. Navbatchi: O'.DEHQONOV.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004



ЎҚУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк жамоаси

Сиз азизларни яқинлашиб келаётган мамлакатимиз Конституцияси куни байрами билан чин юракдан муборакбод этади! Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз! Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз.

«КОНСТИТУЦИЯ-2016»

Ушбу омонанинг сақланиш муддати 2 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги кулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоний вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Оптирик филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- микдори чекланмаган.

«Асака» банк сармомянғиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган



ХАЛҚ БАНКИ

ЎҚУРМАТЛИ ХАЛҚ БАНКИ МИЖОЗЛАРИ!

Сизда Халқ банки хизматлари бўйича ҳал этилмаган масала ва муаммолар, ариза, шикоят ёки таклифлар борми?

У ҳолда мурожаатингизни тўғридан-тўғри Халқ банки **БОШҚАРУВИ РАИСИГА** 3 хил усулда юборишингиз мумкин.

- Халқ банки Бошқаруви Раисининг расмий виртуал қабулхонаси: br.xb.uz
- Электрон почта орқали: murojaat@xb.uz
- Телефон орқали: (0371) 200-00-55, 236-26-13

(Кўнғироқлар республика бўйича бепул бўлиб, ундан фақатгина стационар телефонга кўнғироқ қилиш нархи бўйича ҳақ олинади)

Сизнинг мурожаатингиз расмий мақомга эга бўлиб, қисқа муддатда кўриб чиқилиши **КАФОЛАТЛАНАДИ.**